

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЯШАШ МАНЗИЛЛАРИДАН  
УЗОҚ МУДДАТГА КЕТГАН ШАХСЛАР БЎЙИЧА ИШЛАШ  
ФАОЛИЯТИГА ОИД ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ  
ТАЖРИБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.**

*ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ  
РУЗМАТОВ ЗОХИДЖОН ХУШНУДБЕК ЎҒЛИ  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган курсанти*

**АННОТАЦИЯ:**

Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, объекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги ҳолат, шунингдек ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

**Шартли қисқартмалар:**

- ИИО**-ички ишлар органлари;
- ТП** – Таянч пункти;
- МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК** – Жиноят кодекси;
- ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;
- ХМҚО** – Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Сўнги йилларда яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлаш муносабатларни тартибга солиш ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги сабабли, ушбу жараёнларни самарали бошқаришнинг барча учун ягона моделини ишлаб чиқишга бўлган уринишларнинг натижасизлиги сезилиб қолди. Шу боис, ҳозирда ҳар бир давлат яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлашдаги муаммоларни ўз йўли билан ечиш бўйича хулосага келган.

Тадқиқот давомида олиб борилган таҳлиллар асосида яшаш манзилидан узоқ муддатга кетганлар билан ишлаш тизимида доир ижобий амалиёт

натижаларини комплекс тадқиқ этиш учун асосий эътиборни Россия ва Молдова давлатлари ваколатли органларининг ҳуқуқий ҳамда ташкилий- институционал (ташкилий тузилиши) таъминоти, шунингдек паспорт тизимини тартибга солишнинг маъмурий усул ва воситаларига ҳаратган ҳолда кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосага келинди.

МДХ доирасида яшаш манзилдан узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлаш тизимини таъминлаш фаолияти самарали йўлга қўйилган давлатлардан бири Россия Федерацияси ҳисобланади. Ушбу давлатда аҳоли миграцияси масалалари бўйича сиёсатни амалга ошириш вазифаси Россия Президентининг 2002 йил 23 февралдаги 232-сон фармони<sup>39</sup> билан ташкил этилган махсус ваколатли орган – Федерал миграция хизмати зиммасига юклатилган. Бугунги кунга қадар бир неча маротаба ислоҳ этилиб, ҳозирда ички ишлар вазирлиги таркибида алоҳида тузилма сифатида фаолият юритаётган мазкур орган давлатнинг миграция соҳасидаги сиёсатини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Миграцион хизмат таркибида 14 та тузилма шу жумладан, «Ҳуқуқий таъминот бошқармаси», «Ташқи алоқалар бошқармаси», «Россия фуқароларига давлат хизматлари кўрсатиш стратегияларини ишлаб чиқиш бошқармаси» ва «Фуқаро ва ташкилотларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси» каби алоҳида ташкилий тузилмалар фаолият юритмоқда. Мазкур субъектлар ўз зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда фаолият йўналишлари самарадорлиги учун жавобгар ҳисобланади. Шу ўринда қиёслайдиган бўлсак, С.А. Ишанходжаев таъбири билан айтганда бугунги кунда республикамизда яшаш манзилдан узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлаш соҳасидаги сиёсатни тўлиқ таҳлил қилиш ва умумлаштириш амалиёти йўлга қўйилмаган<sup>43</sup>. Бу борадаги вазифани бажарувчи ягона (алоҳида) давлат органи ҳам мавжуд эмас.

Россиянинг яшаш манзилдан узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлаш соҳасидаги сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, мазкур муносабатлар давлатнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепцияси (дастури) асосида олиб борилади. Давлат сиёсати мазкур йўналишининг жорий этилишига сабаб бўлган дастлабки норматив ҳужжат –

Россия Федерацияси Президентининг 1994 йил 9 августдаги 1668-сон фармони<sup>45</sup> бўлиб, унда мазкур масалаларни тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад – фуқороларнинг ҳуқуқларини доимий равишда ҳимоялаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини максимал даражада ҳимоялаш, унга қулайлик ва фаровонлик яратиш деб кўрсатилган.

Бугунги кунда Россияда аҳолини рўйхатга олиш тизими анча оптималлашган бўлиб, фуқаролар вақтинча ёки доимий «регистрация»дан ўтиш асосида яшайди. Вақтинча қайд этиш 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатга

доимий яшаш манзилларини ўзгартирган шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Фуқароларнинг келтирилган муддат ичида мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, регистрация органларига уларни 3 иш куни давомида рўйхатга олишни амалга ошириш мажбурияти юклатилган<sup>46</sup>.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ерда фуқароларга қайд этилишлари учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳам соддалаштирилган бўлиб, улар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, фуқаронинг регистрациядан ўтиш тўғрисидаги аризаси ҳамда турар жойда вақтинча яшаш учун асос ҳужжатлардан иборат.

Шунингдек, ўрнатилган тартиботга кўра, Россия субъекти ҳисобланган аҳоли яшаш пунктидаги бир турар жойда рўйхатдан ўтиб, айнан шу аҳоли яшаш пунктидаги ёки бошқа аҳоли пунктидаги ўзга турар жойда рўйхатдан ўтмасдан яшаганлик тегишли равишда жавобгарликни юзага келтирмайди (мазкур қоидалар Москва шаҳар, Москва вилояти, Санкт-Петербург шаҳар, Ленинград вилоятига ҳам татбиқ этилади)<sup>47</sup>. Қонун асосида алоҳида категориядаги шахсларга ҳам имтиёзлар берилган бўлиб, юқоридаги ҳолат учун турар жой мулкдори ёки ижарачининг биргаликда яшовчи турмуш ўртоғи, болалари (шу жумладан фарзандликка олинганлар), болаларининг турмуш ўртоғи, ота-онаси (фарзандликка олган ота-оналари ҳам), ота-онанинг турмуш ўртоғлари, бувиси (буваси), набиралари (яқин ҳариндошлари) жавобгарликдан озод этилади<sup>48</sup>.

Регистрация соҳасида аҳолига максимал қулайлик яратиш мақсадида миграцион хизматларга мурожаатлар қилишнинг ёзма ариза асосида, интернет тармоғидаги «Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали» ҳамда почта жўнатмалари орқали каби уч хил тизими йўлга қўйилган<sup>49</sup>.

Россияда яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган шахсларнинг бўлишлари (яшашлари) учун ҳам ўзига хос тартибот ўрнатилган. Россия Федерациясининг 2006 йил 18 июлдаги қонуни<sup>50</sup> ҳамда 2007 йил 15 январдаги ҳукумат ҳарори талабларига асосан хорижий шахслар давлатга кириш вақтида (давлат чегарасини кесиб ўтишда) ваколатли (чегара ёки миграцион хизматдан) органлардан мамлакатда вақтинчалик бўлиш (яшаш) ҳуқуқини берувчи миграцион карта олишлари лозим.

Миграцион картада хорижий шахс (фуқаролиги, ёши, жинси, келиш мақсади) ҳамда унинг мамлакатда бўлиш муддати ҳақидаги маълумотлар қайд этилиб, у кириш учун виза талаб этилмайдиган давлатлардан келувчи шахсларнинг Россияда вақтинча бўлиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Бу борадаги статистик кўрсаткичлар таҳлиliga ҳарайдиган бўлсак, миграцион хизмат маълумотларига кўра, 2009–2014 йилларда чегара хизматларидан миграцион карта расмийлаштирган шахслар сони 33,9 %га ошган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу ҳужжат хорижий шахсларнинг мамлакатда бўлиш ҳуқуқини

кафолатлаши билан бирга, ваколатли органларга уларнинг вақтинча яшашларини назорат қилишларида кўмаклашади.

Бироқ миграцион карта билан давлатга кирган шахсларнинг мамлакатда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи давлат органлари томонидан уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига вақтинчалик қайд этиш белгиси (РВП) қўйилганидан кейингина юзага келади. Шахс бундай белгини турар жойига келгач 7 иш кунини ичида қўйдириши шарт. Мазкур белги шахсга кейинчалик давлатда доимий яшашга қолиш (яшаш гувоҳномасини олиш) ёки фуқаролик олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнги йилларда давлатда миграция жараёнларини тартибга солишнинг муҳим шarti сифатида – ноқонуний миграцияга қарши курашиш, шунингдек меҳнат миграциясини легаллаштириш масалалари белгиланди. Бунинг учун давлат миграцияни легаллаштиришнинг янги механизмини жорий этди. Хусусан, хорижий шахслар томонидан ишлашга рухсатнома («разрешения на работу») олишнинг мураккаблигига ҳарамасдан, унга қўшимча равишда патент» (5 йиллик ишлашга лицензия) олиш мажбурияти ҳам юклатилди. Шунингдек 2015 йил бошидан мамлакатга кировчи шахслар учун рус тили, давлат тарихи ва қонунчиликни билиш даражаси юзасидан махсус имтихон ҳамда дактилоскопик ҳисобга олиш жараёни амалга киритилди.

Бундан ташқари, мамлақтимиз рувожининг бугунги босқичида миграцияни тартибга солиш жараёнлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 7 та давлат (Исроил, Инданезия, Қорея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония) фуқароларнинг 30 суткалик визасиз режимда бўлишлари, 39 та давлатда фуқаролари учун туризм визаларни расмийлатиришда соддалаштирилган тартиб жорий қилинганлиги ёки 101 та давлат фуқаролари учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш ва вақтича бўлиш тартиби жорий этилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Мазкур тадбирлар натижасида давлатда ноқонуний миграция оқимининг барҳарорлашишига эришилди. жараёнларини тартибга солишнинг муҳим шarti сифатида – ноқонуний миграцияга қарши курашиш, шунингдек меҳнат миграциясини легаллаштириш масалалари белгиланди. Бунинг учун давлат миграцияни легаллаштиришнинг янги механизмини жорий этди. Хусусан, хорижий шахслар томонидан ишлашга рухсатнома («разрешения на работу») олишнинг мураккаблигига ҳарамасдан, унга қўшимча равишда «патент» (5 йиллик ишлашга лицензия) олиш мажбурияти ҳам юклатилди. Шунингдек 2015 йил бошидан мамлакатга кировчи шахслар учун рус тили, давлат тарихи ва қонунчиликни билиш даражаси юзасидан махсус имтихон ҳамда дактилоскопик ҳисобга олиш жараёни амалга киритилди.

Таҳлиллар бугунги кунда Молдова Республикасида узоқ муддатга кетганлар билан ишлаш жараёнларини тартибга солувчи етарлича норматив-ҳуқуқий база шаклланганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, 1994 йил 9 ноябрда – шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги, шунингдек республикага кириш ва чиқиш қоидаларини белгиловчи, 1994 йил 10 ноябрда – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги; 2000 йил 2 июлда – фуқаролик масалаларига доир; 2008 йил 10 июлда – меҳнат миграциясига доир муносабатларни тартибга солувчи; 2008 йил 18 декабрда – қочоқларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга ижтимоий- ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш шартларини назарда тутувчи; 2010 йил 16 июлда – хорижий шахсларнинг мамлакатда бўлишлари тартибини белгиловчи қонунлар қабул қилинган.

Давлатнинг миграция масалалари бўйича махсус ваколатли органи 2006 йил 20 июлда ички ишлар вазирлиги таркибида ташкил этилган «Миграция ва қочоқлар бюроси» ҳисобланади. Бундан ташқари, республикада миграция билан боғлиқ айрим функцияларни қуйидаги давлат органлари ҳам бажаради: –

- Европавий интеграция ва ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги дипломатик миссия ва консуллик муассасалари;
- Меҳнат ва ижтимоий муҳофазалаш вазирлиги таркибидаги Аҳолининг бандлигини таъминлаш миллий агентлиги;
- Ахборот технологиялари ва алоқалари вазирлиги тизимидаги «Registru» давлат ахборотлаштириш манбалари маркази;
- Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Чегара полицияси департаменти.

Қонун ҳужжатлари талабларига кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлатга киришларини чеклашга фақатгина хорижий шахслар ишлари бўйича ваколатли орган («Миграция ва қочоқлар бюроси» таркибида) ҳамда давлат чегараларини назорат қилиш органи («Чегара полицияси департаменти» тизимида) ҳақли. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида Молдовада миграция жараёнларини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш учун аҳолини ҳисобга олиш давлат реестри таркибий қисми бўлган «Миграция ва қочоқлар» автоматлаштирилган ахборот-интеграцион тизими (АИИСМУ) йўлга қўйилган<sup>61</sup>. Тизим миграция жараёнларини мониторинг қилиш ҳамда бошқариш имконини бериши билан бирга, хорижий шахсларнинг мамлакатга кириши, чиқиши, бўлишини назорат қилиш, шунингдек уларни соддалаштирилган тартибда рўйхатга олишга («ягона дарча» тамойили асосида) кўмаклашади.

Мамлакатда бўлиш қоидаларининг ўзига хос тартиботлари ўрнатилган бўлиб, мазкур қоидаларни бузганлик тегишлича (маъмурий ва жиноий) жавобгарликни юзага келтиради. Республикада ўрнатилган қоидаларни бузган

ҳолда яшаганлик учун қўшимча равишда кейинчалик қуйидаги тартибда мамлакатга кириш ҳуқуқини чеклаш чоралари ҳам қўлланилади:

- 1 йилга (3 ойдан 1 йилгача ноқонуний яшаганлик учун);
- 2 йилга (1 йилдан 2 йилгача ноқонуний яшаганлик учун);
- 3 йилга (2 йилдан 3 йилгача ноқонуний яшаганлик учун);
- 5 йилга (3 йилдан ортиқ ноқонуний яшаганлик учун);
- 3 йилга (ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун);
- 5 йилга (ўзи ҳақида ёлғон маълумотлар тақдим этганлик учун);
- 5 йилга (маъмурий тартибда чихариб юборганлик учун);
- 5 йилга (мамлакатга қонунга хилоф равишда кирганлик учун);
- 5 йилга (қасддан қилинган оғир, ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун);
- 10 йилга (жамоат тартиби ва миллий хавфсизликка таҳдид солувчи жиноятларни содир этганлик учун). Шунингдек хорижий шахсларнинг ўз ихтиёрига кўра берган қоидабузарлиги тўғрисидаги аризаси чеклов муддатининг ярмига қисқартирилишига сабаб бўлади<sup>2</sup>.

Маъмурий тартибда чихариб юбориш ва депортация ишларини таъминлаш жараёнидаги ўзига хос жиҳатлардан бири – қоидаларни бузган шахсларни ушлаб туриш билан боғлиқ бўлиб, бу ерда ушбу мақсадда аксарият мамлакатларда мавжуд бўлмаган хорижий шахсларни вақтинчалик жойлаштириш марказлари ташкил этилган. Мазкур тузилмаларнинг асосий вазифалари сифатида уларда ушлаб турилган мамлакатига қайтириб юборилаётган (реадмиссия), маъмурий тартибда чихариб юборилаётган ёки депортация қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларига кўмаклашишдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.